Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ таълим масаласига ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралди. Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича режали ва истиқболли сиёсат амалга оширилиб келинмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун қабул қилинганини бу борада алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Шу ўринда мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Президентимиз Ислом Каримовнинг халқимизга йўллаган байрам табригидаги қуйидаги фикрларни келтириб ўтсак: **«Юртимизда яшаётган ҳар қайси оила ва фуқаро, қолаверса, мамлакатимиз ва жамиятимиз истиқболининг янада юксалишини ўзи учун мақсад қилиб олган ва шу интилишни ҳаётга изчил татбиқ этаётган умуммиллий дастурларимиз, шулар қаторида Кадрлар тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари — узоқ қишлоқ ёки марказда бўладими — бугуннинг ўзидаёқ моҳияти ва амалий самарасини кўрсатмоқда».**

Таъкидлаш лозимки, Юртбошимиз ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва ҳаётга татбиқ этиб келинаётгани эса мазкур йўналишдаги эзгу ишларимизнинг узвий давоми бўлди.

Кўриниб турибдики, дастур 5 йиллик даврни ўз ичига қамраб олади. Демак, бу ана шу муддат ичида муҳим ишлар, режалар амалга оширилади, дегани. Таъкидлаш жоизки, бу ишлар аввало дастурнинг тамойиллари, мақсад, вазифаларидан келиб чиқади. Булар мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, замон талабларига, андозаларига мос келадиган моддий-ўқув базани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий базаси ва таъминоти даражасидаги тафовутни босқичма-босқич бартараф этиш, ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш кабиларни қамраб олган.

Шуларнинг ўзидан ҳам мактаб таълимини ривожлантириш миллат, жамият ва давлатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан ғоятда масъулиятли вазифа эканлигини англаб олиш қийин эмас. Дастур ижросини баралла умуммиллий масала, деб айтишга ҳақлимиз. Дастурда билим масканларини замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Республикамиздаги мавжуд мактабларнинг «ақлли» техникага бўлган эҳтиёжини қоплаш учун 8573 компьютер синфи ташкил этилиши кўзда тутилган. Синф хоналарининг жиҳозланиши масаласига келадиган бўлсак, беш йил давомида 16187 та турли фанлар хоналари талаб даражасида жиҳозланади.

Навбатдаги масала ўқувчиларнинг дарсликлар билан қай даражада таъминланиши билан боғлиқ. Мустақилликка эришилган илк йилларда бу борада турли муаммолар бор эди. Дарсликлар етишмаслиги, сифатсиз чоп этилиши шулар жумласидан. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Халқ таълими вазирлиги томонидан олимлар, тажрибали амалиётчи ўқитувчилардан иборат эксперт гуруҳи ташкил этилган бўлиб, у ўқув режа ва дастурлари, ўқув-услубий материалларини экспертизадан ўтказади. Гуруҳ зиммасига бошланғич ва умумий ўрта таълим ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари асосида ҳар бир синф учун ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талабларни қайта кўриб чиқиш ва экспертиза натижалари асосида уларни такомиллаштириш вазифаси юкланган. Такомиллаштириш давлат стандартлари талаблари асосида яратилажак дарслик ва ўқув қўлланмалари 2005-2009 йилларда 62 миллион 228 минг нусхада янгидан нашр этилади.

Таълим масканларимизнинг моддий базасини замон талабларига жавоб берадиган даражага етказмай туриб, кўзлаган эзгу мақсадларга етолмаймиз. Негаки, ўқув даргоҳларимизнинг шинам, қулай, ораста бўлиши, сифатли ўқув воситалари, кўргазмалари билан таъминланиши ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларни ҳам руҳлантиради. Юқорида 5 йил давомида республикамизда бу борада қилинажак ишлардан сўз очдик. Энди айни пайтгача мазкур йўналишда қилинган баъзи бир ишлардан сўз очсак. Масалан, Хоразм вилояти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, Корея ҳукуматининг кредит лойиҳаси ҳисобидан 9 та касб-ҳунар коллежи 553 миллион, Япония Халқаро ҳамкорлик банки лойиҳаси ҳисобидан Хива ва Янгиариқдаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари 2 миллиард 234 миллион сўмлик, Осиё тараққиёт банки лойиҳасига кирган Урганч ва Шовот қурилиш касб-ҳунар коллежлари ҳамда Гурлан енгил саноат касб-ҳунар коллежи жами 876 миллион 787 минг сўмлик, Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам лойиҳаси бўйича Урганч тиббиёт коллежи 35 миллион 899 минг сўмлик лаборатория жиҳозлари, ўқув дастгоҳлари билан таъминланди. Жиззах вилоятидаги 21 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кутубхоналари компьютерлар ва зарур жиҳозлар билан таъминланган. Зомин тиббиёт коллежида электрон кутубхона фаолият кўрсатаётгани айниқса қувонарли. Бундайин мисолларни кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин.

Амалга оширилаётган бундайин эзгу ишларнинг негизида устувор мақсад ётишини яхши биламиз. Биз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонни дунё тан олган давлатлар қаторига олиб чиқишни ният қилганмиз. Маърифат, маънавият, таълимга таяниб, интеллектуал салоҳиятимизни юксалтириб бу мақсадимизга етишимиз мумкин. Демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлидан дадил одимлаётган эканмиз, келажагимиз нурафшон бўлажак.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

Мулоҳаза

БИЗ ВАТАНГА НИМА БЕРДИК?

Менинг ёшлигим етмишинчи йилларга тўғри келади. Талабалик давримни эсласам, томиримда ёшлик шижоати гупиради. Ўзимни улкан ишларга чоғлагим, фарзандларимга ўрнак кўрсаттим келади. Ўйлаб кўрсам, жуда кўп қилинмаган ишларим, орзуларим қозиққа айланган экан. Беҳуда ўтган вақтга, бой берилган умрга ачинаман. Тўғри, салкам ўттиз йилдирки, мактабда ўқитувчилик қиламан. Касбим фахримга айланган. Лекин барибир ёшликда амалга ошмай қолган ишлар, армонларнинг изи бор. Негадир айрим ёшларимиз танбаллик қобиғига ўралиб олишган. Ўз устида ишлаш, мутолаа ва қўшимча машғулотларга у қадар тоби йўқдек. Аммо шундай серқирра ёшларимиз ҳам борки, уларнинг интилишлари, билими ва иқтидорига тан берасан киши. Ва ўз ўғил-қизингнинг ҳам шундай бўлишини юракдан истайсан.

Кўп йиллардан буён Ангрен шаҳридаги 41-сонли ўрта мактабда география ва кимё фанларидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган тажрибали ўқитувчи Саидмурод ака Чимбоев ҳақ. Яхшиларга ҳавас қилиб яшашга нима етсин. Кимнингдир кўнглига йўл топа билиш, одамлар эътиборини қозониш, улкан ишларга бел боғлаб ярим йўлда чекинмасдан маррага етиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бугун кўплаб ёшларимиз ватан учун кўксини қалқон қилган оталарининг чинакам вориси бўлиб, ўқишда, ишда пешқадамлик қилишмоқда. Саидмурод ака таъкидлаганидек, йигит-қизларимизнинг келажакда қандай инсон бўлиб етишишлари мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ маълум бўлиб қолади. Чунки ўқувчи келажакда ўз ўрнини топа олишига кўзи етиб, ўз қизиқишига кўра бирор касб-корнинг этагидан тутса, у албатта қарори қатъий, интилувчан, билимга чанқоқ инсон бўлиб етишади.

Синфхона гавжум. Мустақиллик байрами шукуҳи аримаган кунларда иншолар кўрик-танловини ўтказиш мактабда анъанага айланган. Олтинчи синфдан тортиб, битирувчи синф ўқувчиларигача тўпланган синфхонада ўқитувчи доскага қуйидаги мавзуни ёзади: «Биз Ватанга нима бердик?» Хўш, ҳақиқатан биз Ватанга нима бердик?

Бу саволга сира ўзингиздан жавоб излаб кўрганмисиз? Сиз ҳар куни тонгда туриб ишга ёки ўқишга отланаётганингизда шак-шубҳасиз, ўз олдингизга қўйган мақсадга эришишга интиласизми, устозларингиз, ота-онангиз, дўстларингиз ишончини оқлаш, бошқаларнинг ҳожатини чиқариш учун астойдил тер тўкасизми? Ўз зиммангиздаги бурчнинг нималардан иборат эканлигини биласизми? Тўғри, бу саволни аввало катталарга бериш керак эди, аммо ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, уларнинг ўз-ўзларига шу саволни бериб кўришлари янада муҳимроқ эканлигини жоиз топдик. Негаки, Ватан туйғусини ёшликдан юрак тубига муҳрламоқ, унинг чинакам фидойи фарзанди бўлмоқлик бахтини туймоқ керак. Бунинг жавобини иншолардан изладик ва ҳаминқадар жавоб топгандек бўлдик.

«Мен бирор спорт тўгарагига қатнашиб, Ватанимиз шаънини улуғлашни, унинг азиз номини дунёга танитишни истайман. Аммо уйда кўпроқ чорва билан шуғулланганимиз, ота-онамга томорқамиз ишларида кўмаклашиб, спорт билан кўнгилдагидек шуғуллана олмайман...», «Мен Ватанимга онам ва отам каби астойдил хизмат қиламан. Акам Илҳом Назаров ҳозир хорижий университетлардан бирида магистрликка ўқияпти. У физика фанини мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ чуқур билар, бизга кичик-кичик ихтироларни ўргатар эди», дея фахрланиб ёзади Дилдора Назарова. «Мен амаким сингари ҳарбий билим юртида ўқиб, сарҳадларимизни қўриқлайдиган мард ва жасур чегара посбони бўлмоқчиман», «Мен машҳур қизиқчи бўлиб, ҳаммани кулдириб юраман. Ҳеч кимнинг хафа бўлишига йўл қўймайман... » ёки «Мен мактабни битириш арафасиламан. Ҳукуматимиз, ота-онам, устозларим бизнинг келажагимиз учун қайғуриб ўқитишаётган эканлар, уларнинг ишончини оқлашимиз керак. Мен ҳамма фанлардан аълога ўқийман. Мақсадим аниқ: инглиз тили ўқитувчиси бўлмоқчиман». Бу сатрлар айрим ўқувчиларнинг иншоларидан олинган. Ўсмир ва балоғат ёшидаги болаларнинг орзулари бир олам. Фикрлари бирмунча теран, ўзларига бўлган ишонч кишини қувонтиради. Уларга ишонч ва умид кўзи билан қарашга ундайди.

ВАТАН ТУЙҒУСИНИ ЁШЛИКДАН ЮРАК ТУБИГА МУҲРЛАМОҚ, УНИНГ ЧИНАКАМ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ БЎЛМОҚЛИК БАХТИНИ ТУЙМОҚ КЕРАК.

– Ўқувчилар орасида ҳам маънан, ҳам жисмонан оқсайдиганлари учраши табиий. Улар кейинчалик ўз йўлларини топиб кета оладиларми? – сўрайман Саидмурод акадан.

– Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бола заиф бўлиб туғилиши, гавдаси тенгдошлариникига нисбатан кичик ва ночор бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Саломатлиги ҳам яхши бўлмаслиги мумкин. Аммо у бирор спорт тури билан мунтазам шуғулланса, ўз тенгдошларини жисмоний баркамолликда ортда қолдириши ҳеч гап эмас. Буни Ўзбекистон ифтихори бўлган бир қатор дунё, жаҳон, Осиё чемпионлари мисолида кўриш мумкин. Айтишларича, қорли Алп тоғларидан армияни олиб ўтиб, душманга зарба берган машҳур рус саркардаси Суворов ҳам ёшликда касалманд бўлиб ўсган. Дунёга машҳур физик олим Эйнштейн ҳам мактабда физика фанидан қониқарсиз баҳоларга ўқиган. Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Айрим болалар табиатан берилган озгина қобилиятини ҳам катта меҳнат ва ирода туфайли юксак савияга етказадилар. Баъзиларининг туғма қобилияти, айрим сабаб ва омилларга кўра кўзга ташланмайди, ташқи ифодаланмайди, ўз вақтида тўғри йўналтирилмайди ёки ифодаланишининг шарт-шароити бўлмайди.

Устоз ҳақ. Демак, ҳар бир инсон, ёшидан қатъи назар ўз устида ишласа, кўзлаган мақсади сари дадил қадам ташласа, ҳеч қачон ютқазмайди. Айрим ота-оналар фарзандларининг келажагини таъминлашда бироз сусткашлик қиладилар. Ҳозир кўпгина қишлоқларда спорт иншоотлари барпо этилган. Уларга болаларини жалб қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган ота-оналар етарлича. Кейин боласининг суяги қотгач кечикканларидан афсусланиб юришади. Нима учун аскарликка илиги тўқ йигитларни олишган, ахир. Улардан чинакам посбонлар чиқиши, жисмонан бақувват кишининг руҳи ҳам тетик бўлиши ҳисобга олинган. Ҳозир ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма имкониятлар яратилган. Агар боладаги қизиқишга озгина туртки берилса ундан келажакда эҳтимол яхши спортчи ёки бирор касб-кор устаси чиқиши аниқ. Ахир Истиқлол берган кенг имкониятлар асосан ёшлар учун эмасми?!

Айримлар мавжуд бой наслий иқтидорини ҳам рўёбга чиқармайдилар. Озгина иқтидорини ҳам тинимсиз меҳнат орқали юзага чиқараётганлар талайгина. Улар келгусида етук шахсларга айланиб, барчанинг ҳавасини келтиришади. Ана шундагина биз Ватан корига ярайдиган пишиқ-пухта, ақлан ва жисмонан бақувват йигит-қизларни сафга қўшган бўламиз. Ёшларимиз ўртасида ота-онаси, бобоси обрўсига суяниб яшайдиганлар ҳам учрайди. Йўқ, улар билан фахрланишнинг ўзи кифоя эмас, уларга муносиб фарзанд бўлиш керак.

Турмушнинг қийинчиликларидан нолиб, ўз муаммоларида доим бошқаларни айблаб юрадиган тоифадаги кишилар истаганча топилади. Улар шак-шубҳасиз, фарзандларини ҳам ўзлари каби мўрт ва сабрсиз қилиб улғайтиришади. Тайёр ошга баковул бўлиб яшагандан кўра ҳаёт машаққатларини билими ва тадбиркорлиги билан енгиб, ўзгалар ташвишини ҳам аритиб яшаётганлардан ибрат олган яхши, албатта. Шу маънода юқоридаги саволни биз доим ўз-ўзимизга беришни канда қилмаслигимиз лозим. Хўш, биз Ватанга нима бердик? Тўғри, турмуш ташвишлари битмаган. Фарзандлар ташвиши аслида бир ширин ташвиш. Уларни наинки, қорнини тўйғазиш ва эгнини бутлаш керак, балки навқирон, мард, ақлли ва кучли қилиб тарбиялаш муҳим. Шундагина болажонларимиз ота-боболаримиз шаъни билан ғурурланишга арзигулик, чинакам ворислар бўлиб етишишларига ишонамиз.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА.

2006 йил – Хомийлар ва шифокорлар йили

ЕТУК ШИФОКОРЛИККА ИНТИЛИБ

Навоий гарнизони ҳарбий госпиталидамиз. Яқин эллик йилдан буён ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига шифо улашиб келаётган бу тиббиёт масканида ўз соҳасининг энг малакали шифокорлари хизмат қилади. Мана шулар сафидан сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган лавҳамиз қаҳрамони тиббий хизмат майори Ўрол Сафаров ҳам муносиб жой эгаллаган. Шифокорлар ҳақида сўз кетганда доимо фидойилик ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу бежиз эмас. Зеро, инсоннинг энг бебаҳо неъмати – ҳаёти улар қўлига ишониб топширилган. Ҳарбий шифокорларда эса бу масъулият бир қадар ортиқ дейишга ҳақлимиз. Улардаги бу фидойилик сиз ҳам англаб турганингиздек ҳарбий либос билан боғлиқ. Чунки ҳарбий либосдаги юксак тажрибага эга қайси бир шифокор билан суҳбатлашманг, республикамиз бўйлаб кўплаб ҳарбий шифо масканларида посбонлар хизматида бўлганига гувоҳ бўласиз. Ўролбек ҳам худди шундай. Уни Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш бўлимини тугатиб, юрт хизматида турганига мана ўн беш йил бўлаяпти.

Дастлаб Термиз вилоят шифохонасининг ички касалликлар бўлимида иш бошлаган ёш шифокор орадан кўп фурсат ўтмай 1993 йили ҳарбий қисмда тиббий бўлим бошлиғи сифатида хизмат бошлади. Албатта ҳарбий шифокорлар сафидан ўрин олиши учун ўзига хос қатъий синовлар мавжуд. Ушбу синовларда билим ва иқтидор, тиришқоқлик, масъулиятни чуқур ҳис қилиш каби хислатлар йигитга қўшқанот бўлди. У қаерда хизматда бўлмасин, ўз ўрнига эга бўлиб борди. Малакали шифокорга Термиздаги гарнизон ҳарбий поликлиникасида ички касалликлар бўлими бошлиғи, Навоий гарнизони ҳарбий госпиталида ички касалликлар бўлимига етакчилик қилиш каби бир қатор масъулиятли вазифалар ишониб топширилди. Айни дамда тиббий хизмат майори Ўрол Сафаров Навоий гарнизони ҳарбий госпитали бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари ички касалликлар бўлими бошлиғи.

Тиббиёт ходимлари орасида «шифокор ҳамиша талаба», деган нақл юради. Чунки ушбу соҳа вакиллари доимо ўқиш ва изланишда. Бунинг сабаби оддий. Турли хил касалликларга қарши курашишда, уларнинг олдини олишда жаҳон тиббиёт аҳли томонидан ҳар йили юзлаб тадқиқотлар олиб борилади, уларнинг ижобий натижалари адабиётларда ёритилади. Албатта ўз соҳасидаги ҳар бир янгиликни ўзлаштириб, эгаллаб борган шифокорнинг тажрибаси ҳам ортиб бораверади.

– Тиббиётда ўқиш ва изланишнинг чеки йўқ, – дейди биз билан суҳбатда Ўролбек қатъият билан. – Бу борада ҳар бир шифокорнинг шахсий кутубхонаси бўлиши шарт деб ўйлайман. Шу билан бирга давлатимиз томонидан тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Мен ҳам ўз соҳам бўйича тўрт маротаба малака оширишга эришдим. Айниқса Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида эгаллаган билим ва тажрибам мен учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бунинг учун госпиталнинг малакали шифокорлари тиббий хизмат полковниклари Адҳам Қодиров ва Валерий Эсоновларга ўз миннатдорчилигимни билдириб ўтишни истардим. Биз ҳарбий шифокорларнинг мақсадимиз битта. Яъни Ватан ҳимоячиларининг саломатлигини асраш. Бу масъулиятли вазифада фидойи бўлиш эса бизнинг шарафли бурчимиздир.

Зиммасидаги бурчни ҳис қилиб турган инсон тиришқоқ ва интилувчан бўлади. Бу фазилати эса уни эл эътиборига, ҳурматига сазовор этади, шубҳасиз. Лавҳамиз қаҳрамони ҳақида сўз кетганда ҳам Навоий гарнизони ҳарбий госпитали бошлиғи тиббий хизмат майори Серик Қорабеков ўзининг илиқ фикрларини билдириб ўтди. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида вояга етган қишлоқнинг бўз йигити бугун тажрибали шифокор. Бир қатор ёш шифокорларнинг қаттиққўл ва талабчан устози. Келажак мақсади етук шифокор бўлишни истаган тиббий хизмат майори Ўрол Сафаровнинг эзгу нияти бугун ҳаётига йўлдош. Унинг ўз соҳасида эришмоғи лозим бўлган янги-янги ютуқларини эса бедор хизмати, интилиш ва изланишлари рўёбга чиқаради деб ишонамиз.

Зулфия ЮНУСОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Ҳуқуқ оламида

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ инсон ҳуқуқларини таъминлаш энг долзарб вазифалар қаторига киритилиб, юртимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларда ўз аксини топмоқда. Бунда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар алоҳида ўринга эга. Тарихан қисқа вақт ичида ўзбек миллий қонунчилигида юксак чўққилар забт этилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги, жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги туб ўзгаришлар, айниқса фуқаролик жамиятининг инсонпарварлик, адолат тамойилларига мувофиқ суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштирилиши, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши тарихий аҳамиятни касб этди.

Собиқ иттифоқ тузумидан ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлатга ўтиш жараёнида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини қайта қуришда 1994 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексининг қабул қилинганлиги муҳим босқич бўлди. Кодекс инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи янги қадриятларга асосланди.

Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошира бориб, Президентимиз Ислом Каримов суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва демократлаштириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Юртбошимиз Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясида жиноят қонунчилигини либераллаштиришни кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқди. Бу нафақат ички, балки ташқи муносабатларга ҳам таъсир кўрсатувчи давлат аҳамиятига молик йирик актлардан бири бўлди.

Ниҳоят Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони инсонпарварликнинг ёрқин намунаси бўлиб, суд-ҳуқуқ ислоҳотларидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Бу қарор нафақат юртимиз аҳли, балки халқаро ҳамжамият томонидан муносиб қабул қилинди. Буни бир қатор нуфузли халқаро институтлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари, машҳур сиёсатшунослар ва олимларнинг фикрларидан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир», деб эътироф этилган. Шу боис ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон ҳаёти олий қадрият эканлигини тасдиқлайди ва бу борада жаҳон ҳамжамиятидаги тамойилларга тўлиқ мос келади.

Яқин тарихдан бизга маълумки, қанчадан-қанча ота-боболаримиз қатағон қилиниб, ноҳақдан ўлим жазосига маҳкум қилинганлар. Фақат мустақиллигимиз шарофати билан қатағон қилинганлар оқланиб, уларнинг тарихдан ўчириб ташланган номлари ёдга олиниб, қайта тикланмоқда.

Бугунги кунда ўлим жазосининг қўлланилиши билан боғлиқ қонунчилик тарихини ҳамда бу борадаги чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Масалан, ҳозирги пайтда дунёнинг 112 та давлати қонуний тартибда ўлим жазосидан воз кечган ёки уни амалда қўлламайди. 23 та давлатда ўлим жазосига ҳукм этиш ва уни ижро этишга мораторий эълон қилинган.

Ушбу Фармонда ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан, шу каби жазо тури ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш амалиёти киритилиши масаласи қўйилган. Президентимиз бунинг учун хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича ўрганиб чиқилиши, бу борада кенг жамоатчилик фикрининг ўрганилиши, мамлакатимизнинг мазкур соҳага мутасадди идоралари, илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари ва хорижий мутахассислар иштирокида халқаро ва республика илмий амалий анжуманларини ўтказилиши ҳамда бу анжуманларда ўлим жазоси амалиётда ижобий самара берган бошқа жазо тури билан алмаштиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилиши лозимлигини, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини кўтариш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш кераклигини таъкидлаганлар.

Табиийки, ҳарбий судлар ҳам ушбу ислоҳотларда фаол иштирок этган ҳолда, ҳарбий хизматчилар ўртасида кенг кўламда ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳарбий судлар томонидан ушбу масалага доир аҳоли ва ҳарбий хизматчилар ўртасида 110 дан зиёд тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 29 июндаги Фармойиши эълон қилинди. Ушбу Фармойишнинг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ҳамда уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборат.

Шу сабабли ҳам ўлим жазосини бекор қилиш масаласининг ўртага қўйилиши бугунги кунда жамиятимиз талабидан келиб чиққан ва ушбу Фармон мамлакатимизда миллий қонунчилигимизни халқаро тан олинган меъёрлар ва андозаларга мос келишини таъминлаш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

Адлия капитани Р.АБДУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Рухнула крыша в аэропорту

На испанском острове Менорка в аэропорту обвалилась крыша. По предварительным данным, под завалами находятся 20 человек, сообщает «El Mundo». Причины обрушения пока неизвестны. Под завалами находятся рабочие аэропорта. При обрушении были ранены еще три человека, их уже госпитализировали. На месте инцидента работают машины «скорой помощи» и пожарные расчеты.

Инспекторы ООН критикуют

Инспекторы ООН, занимавшиеся анализом ядерной программы Ирана, выразили резкое недовольство администрации США в связи с недавним отчетом о возможностях Ирана, составленным комитетом палаты представителей. Они назвали некоторые фрагменты этого документа «возмутительными и нечестными» и выдвинули доказательства, опровергающие его ключевые утверждения, пишет «The Washington Post».

Мирный процесс возможен

Вопреки всему мир в Ливане сохраняется, сообщает газета «Financial Times». По словам генерального секретаря ООН Кофи Аннана, на юге страны не наблюдается видимой активности членов «Хизбаллах». В целом, говорит Аннан в своем отчете, представленном накануне в Совете Безопасности, «стороны демонстрируют намерение соблюдать условия», предписанные резолюцией ООН 1701. К концу недели миротворческий контингент ООН в Ливане должен достичь численности в 5 тысяч человек.

Солдат будет защищать «Cougar/Mastiff»

Британская армия представила новое взрывобезопасное бронированное транспортное средство. 23-тонный броневик «Cougar/Mastiff» планируется использовать в Ираке и Афганистане, сообщает «The Sun». Квадратная структура, клиренс и инновационное строение днища делает новые броневики чрезвычайно эффективными при поглощении взрывов. Они в состоянии выдержать 1000 атак без потери жизней экипажа, а также оборудованы кондиционерами воздуха.

Не стремятся в Афганистан

Большинство стран–членов НАТО совершенно не горят желанием расширять свое участие в опасной афганской миссии. Об этом говорят результаты встречи стран–членов НАТО в бельгийском городе Монсе, посвященной вопросу увеличения военного контингента альянса в Афганистане на 2,5 тысячи человек. В настоящее время контингент Международных сил содействия безопасности в Афганистане (ISAF) насчитывает около 18,5 тысячи военнослужащих из 37 стран.

Будет ли фатальный день

Есть предположение, что предстоящее 22 сентября солнечное затмение может вызвать техногенные катастрофы, в том числе связанные с космическими полетами. У жителей планеты могут наблюдаться повреждения психики, потеря зрения и слуха. Особенно нелегко придется людям, чьи дни рождения близки к 22 сентября, а также тем, чей гороскоп плохо «резонирует» с затмением. Это затмение совпадает с очень напряженной конфигурацией дальних планет.

Глобальный прогноз экономики

Международный валютный фонд считает, что мировая экономика вырастет на 5,1% в нынешнем году и на 4,9% в будущем, что превышает ранее сделанные прогнозы. Однако этим благоприятным тенденциям могут помешать инфляционное давление, высокие цены на нефть и вероятный спад в США, вызванный ухудшением ситуации на рынке жилья. Об этом говорится в распространенном в Сингапуре регулярном полугодичном докладе МВФ «Перспективы развития мировой экономики-2006».



Новый климатический феномен

В тропической зоне Тихого океана вновь зародился климатический феномен Эль-Ниньо – аномальное повышение температуры воды, оказывающее серьезное воздействие на погодные условия по всей планете. Ожидается, что Эль-Ниньо продлится до 2007 года, сообщает ИТАР–ТАСС. Это малоизученное природное явление оказывает влияние на интенсивность ураганов, вызывает проливные дожди в одних районах мира и засуху – в других, становясь причиной гибели людей и колоссального материального ущерба.

(www.NEWSru.com).

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

(Продолжение.
Начало в предыдущих номерах).

10. Ничего нового оперативникам полученные от Ризвона фотографии не добавили, лишь ускорили принятие решения немедленно войти в контакт с бандитами и начать переговоры по освобождению заложников. Переговоры должен был вести один из полковников министерства. Уже через тридцать минут с максимальной осторожностью началась эвакуация жильцов подъезда, в котором находилась квартира с заложниками и захватившими их боевиками. Пять человек из группы спецназа разместились на лестничной площадке рядом с входной дверью квартиры. Прямо с лестничной площадки полковник по громкоговорителю произнес:

– Ведите себя спокойно. Мы знаем, что у вас в квартире заложники. Не стреляйте и назовите ваши условия, – полковник старался говорить спокойно.

Голос, прозвучавший за дверью, стал полной неожиданностью для боевиков. Саидшо лихорадочно думал, что предпринять. Он старался не позволять себе думать о том, как спецназу удалось узнать о квартире. Сейчас было не до этого. Он много раз принимал участие в операциях похищения людей и в Афганистане, и в Таджикистане, но в подобной ситуации никогда не был. Саидшо жестами руки рассредоточил боевиков по квартире таким образом, чтобы держать под прицелом коридор и входную дверь. За окна он не беспокоился. Проникновения с крыши можно было не бояться: местный спецназ не практиковал подобные методы. Более того, по своей практике он был уверен, что спецназ не начнет атаку – не станут они рисковать жизнью иностранцев.

– Нам нужен Бахром Содиров. Обмен будет происходить в одном из пунктов на реке Пяндж на афганско-таджикской границе. Дайте машину, чтобы мы туда доехали. Выполните наши условия, и заложники останутся в живых. Если нет, то они погибнут вместе с нами во имя Аллаха. – Саидшо старался говорить спокойно, но полковник, стоящий за дверью, чувствовал, что боевик очень взволнован.

В оперативном штабе шел кропотливый анализ всей информации, итогом которого было единогласное решение, согласованное с первыми лицами республики, – выдача террористам Бахрома Содирова в обмен на двух заложников. Главная цель обмена – «освобождение иностранных граждан с максимальным обеспечением безопасности их жизни и здоровья». Гарантом этой безопасности перед лицом международной общественности являлся президент республики, а захват террористов мог рассматриваться только как возможная удача, основанная на совершенных ошибках со стороны самих террористов.

После последнего февральского освобождения сотрудников ООН и группы журналистов и после проведенного весной 1997 года ареста Бахрома Содирова первые лица республики заверили международную общественность о принятии всех мер по недопущению повторения актов терроризма на территории Таджикистана. Авторитет президента республики, расшатанный его противниками на международном политическом пространстве, тогда был спасен. Тогда, в феврале, удалось спасти заложников, а то, что один из самых одиозных представителей оппозиции, Ризвон Содиров, чудом не был уничтожен, средства массовой информации не стали широко освещать, посчитав это временной неудачей таджикских силовиков.

Неожиданно полковник был вызван с места проведения операции в кабинет к своему непосредственному начальнику. Генерал встретил его на пороге кабинета и предложил несколько минут подышать свежим воздухом во внутреннем дворе министерства.

– Есть «мнение» о невозможности обмена Бахрома Содирова на иностранных заложников. Необходимо согласиться с любыми условиями, выдвинутыми террористами, какими бы сложными они ни были. Но, выманив группу из квартиры, бандитов необходимо уничтожить выстрелами снайперов, – произнес генерал.

Полковник не стал спрашивать о возможных последствиях исполнения этого устного приказа, не согласованного с оперативным штабом, который вел и контролировал всю операцию и в подчинении которого он сейчас находился. Он так же не стал уточнять о последствиях возможной гибели заложников, которая совершенно не исключалась при условии, что террористы пойдут на самоуничтожение.

Генерал, понимая двойственность ситуации, в которой оказался полковник, добавил:

В ОПЕРАТИВНОМ ШТАБЕ ШЕЛ КРОПОТЛИВЫЙ АНАЛИЗ ВСЕЙ ИНФОРМАЦИИ, ИТОГОМ КОТОРОГО БЫЛО ЕДИНОГЛАСНОЕ РЕШЕНИЕ, СОГЛАСОВАННОЕ С ПЕРВЫМИ ЛИЦАМИ...

– Эти «действия» согласованы с несколькими официальными лицами вне республики, заинтересованными во внутриполитической стабильности республики.

– Знает ли президент об уничтожении террористов? – сухо спросил полковник, вкладывая в свой вопрос определенный смысл.

– Официально нет, но не исключается, что он согласился бы с этим «мнением». Никаких негативных последствий лично для вас не будет, – генерал положил руку на плечо полковника. – Содировы опасны, как никто другой из известных командиров таджикских боевиков. Но не столько опасен Бахром, сколько его брат Ризвон. И пока Бахром в наших руках, Ризвон из Душанбе не уйдет. Нам надо еще немного времени, чтобы обнаружить логово Ризвона. Он представляет опасность для Таджикистана, но не как террорист, а как источник серьезной информации о многих лидерах оппозиции и ее зарубежных сторонниках. С большинством из них ему приходилось видеться и общаться в Афганистане, Пакистане и Иране в тот период, когда он сам себя провозгласил «командующим вооруженными силами таджикской оппозиции», а многие оппозиционеры считали его наиболее вероятной кандидатурой на роль «министра обороны в правительстве оппозиции». Нет никакой гарантии, что Ризвон, которого оппозиция отторгла, не запустит в средства массовой информации известные ему факты по их контактам с самыми крупными исламскими центрами, которые субсидируют хорошо отлаженный механизм продвижения ортодоксального ислама по всему миру. Эта информация может принести очень много хлопот, тогда как между оппозицией и правительством Рахмонова уже наметился положительный сдвиг в переговорах по существующим разногласиям будущей политической ориентации Таджикистана и начала внутринационального примирения. Сейчас это важно для всего Азиатского региона. В засаде будут находиться четверо снайперов. Их точки размещения уже подобраны, более того, они уже на месте. Их выстрелы должны прозвучать одновременно, совпадая секунда в секунду. Действовать они будут по моей радиокоманде. Уничтожение боевиков произойдет в десяти метрах от подъезда дома. Машину подгонят и поставят в пятнадцати метрах от подъезда. Никто из солдат оцепления и милиции после выстрелов не должен подходить к трупам террористов и, при самом плохом исходе операции, заложников.

Айдын ГУДАРЗИ.
(Продолжение следует).

ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

ДОВРУҒИ ДОСТОН ЮРТИМ

Она Ўзбекистонимизнинг жонфидо, заҳматкаш ва муносиб фарзандлари бугун ўз юртининг азиз номини дунёга танитмоқда.

Ана шундай ёшларга мураббийлик қилаётган куюнчак инсонлардан бири Лутфия опа Рўзибоеванинг номи кўпчиликка таниш. Лутфия опа режиссурада ўз ижодий фаолиятини 60-йиллардан бошлаган. Телевидениедаги илк кўрсатувлари, муаллифлик дастурлари кўпроқ ҳарбий – ватанпарварлик мавзуларида бўлиб, уларни томошабин енгил ҳазм қиларди. Аммо ўша давр тақозоси билан ҳарбий мавзудаги кўрсатувлар кўпроқ амалий машғулотлар ва аскарлар табригидан иборат бўлиб қоларди. Лутфия опа истиқлол шарофати билан ана шу «қолип»ни янгилаган, аниқроғи, ватанпарварлик руҳидаги кўрсатувларга янгилик киритган фидойи муаллиф ва режиссёрлардан биридир. Опанинг ташаббуси билан ватанпарварлик руҳидаги кўрсатувлари, Республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Қизлар давраси» ва «Ўзбегим йигитлари» гуруҳининг чиқишларини акс эттирган телелавҳалар, концертлар, ҳарбий қисмлардаги учрашувлар ҳам эфирга узатила бошланди. Натижа кутилганидан зиёда бўлди.

Лутфия опанинг гуруҳига адашиб кириб қолганларни учратмайсиз. Ёш йигит-қизлар танловларда, концертларда турли тадбирларда ўз иқтидорларини намойиш этишиб, гуруҳга қабул қилинишган. Уларнинг барчасида қатъият, шижоат бор. Буни ёшларимизнинг Бельгиянинг йирик кончилар шаҳри саналган Шарлуарда ўтказилган Бутунжаҳон санъат фестивалида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни олиб қайтганликлари ҳам исботлаб турибди.

Рости, «Қизлар давраси» ва «Ўзбегим йигитлари» гуруҳларининг Бельгиядаги чиқишларини телевизор орқали томоша қилган юртдошимиз борки, юрагида миллий ғурур ҳиссини туйди, тенгдошлари ютуқларидан руҳланди, фарзандлари билан фахрланди. Ёшларимиз орасида кўз очган булоқларни, ноёб истеъдод эгаларини кашф этишда Лутфия опа сингари меҳрибон устозларнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда кўплаб вилоятларимизда мазкур гуруҳнинг жойларда фаолият юритаётган бадиий-ҳаваскорлик даставари мавжуд. Уларнинг сони тобора ортмоқда. Боғча ва мактабларда «Қизлар давраси» билан биргаликда «Ўзбегим ўғлонлари» кўрик-танловлари ўтказилаётганлиги ҳам гуруҳлар нуфузини янада оширади. Ўз навбатида бельгияликлар, қолаверса, фестивалда иштирок этаётган давлатларнинг вакиллари ўзбек йигит-қизларининг чиқишларига тан бердилар.

– Ўзбекистонлик ёшларимизнинг ҳар бир чиқишини олқишлар билан кутиб олишди. Бельгияда қизиқ одат мавжуд бўлиб, агар саҳнадаги ижро томошабинга ёқса, у ўрнидан туриб қарсак чалар экан. Агар маъқул келмаса, ўтирган жойида шунчаки қарсак чалиб қўя қоларкан. Қаерда бўлмасин, томошабинларнинг қўшқўллаб олқишлаши бизни янада руҳлантирди. Байроғимизни янада мағрур кўтариб, Мадҳиямизни жарангдор овозда куйлашимизга туртки бўлди, – дейди Лутфия опа Рўзибоева. – Айниқса, хушовоз хонандамиз Фарҳод Қамбаров саҳнада испанча қўшиқ куйлаганида, унга жўровоз бўлганлар ва олқишлаганларнинг кети узилмади. Фарҳоднинг ўзига хос, бетакрор овози бор. Талаба-ёшлардан Татьяна Зайцева, Камола Эрматоваларни йиғилганлар узлуксиз қарсаклар билан кутиб олишди.

Ёшларимиз кўпроқ фестиваль шартига кўра миллий-этнографик куй-қўшиқларимизни саҳнага олиб чиқдилар. Фестиваль иштирокчилари сафига ҳали катта саҳнага чиқмаган, ёш ва навқирон йигит-қизлар, ўқувчилар, талабалар саралаб олинган эди. Улар халқона куй-қўшиқларимизни қойилмақом ижро этишиб, Ўзбекистонни дунёга танитишга мушарраф бўлганликлари беқиёсдир. Бундай улкан ишончни оқлашда уларга етакчилик қилган меҳрибон ва талабчан мураббий, режиссёр Лутфия опанинг меҳнатлари ўз мевасини берди. Фестивалда республикамизнинг турли вилоятларидан келган иқтидорли ёшлар Сурхондарё, Бухоро, Хоразм ва барча вилоятларимизнинг терма қўшиқларини маромига етказиб томошабинларга тақдим этишди. Ўзбек куйи, қўшиғи, сози барчани мафтун этди.

Бунгача ёшларимиз Корея, Италия, Туркия каби мамлакатларда улкан муваффақиятларга эришиб қайтганлар. Бельгиядаги фестивалдан кейин уларга яна кўплаб мамлакатлардан маданий ҳамкорлик борасида таклифлар тушди. Гуруҳ таркибидаги ёшларимиз фестиваль ўтказилаётган кезларда нишонланган Бельгия мустақиллик кунида мамлакатнинг бош майдонида ҳам ўз санъатларини намойиш этдилар. Ўзбек йигит-қизлари майдонларда, йирик савдо мажмуаларида ногиронлар, болалар ва кексаларни махсус дастурлари билан хушнуд этдилар. Бунинг барчасига мураббийларнинг, устозларнинг талабчанлиги, қатъияти орқали эришилди, десак муболаға бўлмас. Тўғри, санъатда бундай интизом эриш туюлар, аммо қўлга киритилган улкан ютуқлар гарови бўлган тинимсиз меҳнат ўз самарасини берди.

Бугун ҳам «Қизлар давраси» ва «Ўзбегим ўғлонлари» гуруҳларининг режалари бисёр: улар ҳамиша олға интилишади, Ватанимиз сарҳадларини мардона қўриқлаётган йигитлар ҳузурида, ҳарбий қисмларда, шифокорлар даврасида ўз бадиий дастурлари билан минглаб кишиларнинг кўнгилларига завқ улашаётган ёшларга умид кўзи билан қарайсиз. Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллигига бағишлаб ҳарбий шифокорларга бағишланган концертларга, вилоятларимиздаги ҳарбий қисмларда ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик авжида. (Суратларда навбатдаги тадбирларга тайёргарлик жараёни акс этган).

Ҳар ким Ватанга муҳаббатини ҳар хил талқин этади. Санъат йўлини танлаган ҳаваскор ёшлар куни келиб она Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга танитишлари шубҳасиз. Чунки умид билан суқилган таёқ мевасини беради, албатта.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

МОЯ НЕДЕЛЯ

Рустам ЗИЯУТДИНОВ, ремесленник: «На днях я узнал, что прошел на следующий этап Республиканского мегаконкурса «Келажак овози» – «Голос будущего». Это было неожиданным и в то же время закономерным. Я с детства занимаюсь чеканкой по металлу – древним искусством, которое в последние годы возрождается. Это великое мастерство, без которого невозможно представить палитру ремесел республики. Теперь оно расцветает новыми красками, и я уверен, что в будущем во всем мире узбекская чеканка – наши живописные ляганы и подносы – будет цениться еще выше!»

Иван КОРОСТЫЛЕВ, воспитанник Дома милосердия: «На этой неделе для меня и моих друзей устроили настоящее торжество – благотворительный ужин. И суть этого мероприятия даже не в накрытом дастархане, а во внимании к нам. Каждый год наши попечители организуют нам подобное, и всегда приятно, что о подростках не забывают. В нынешнем Году благотворительства и медицинских работников наш Дом милосердия посещали особенно часто: и одежду новую на осень–зиму привозили, и цветные телевизоры с радиоприемниками подарили, и даже новую машину предоставили. Мы очень рады и бесконечно за все благодарны отечественным меценатам!»

Азиз ШОХАКИМОВ, дирижер: «Я буквально только что вернулся с Международного конкурса во Франции с победой. Я не первый раз выступал за рубежом и уже получал различные награды, но каждое новое поздравление – новое счастье, новое признание моих достижений. Ведь это честь не только для меня, но и для музыкальной школы Узбекистана, для всей республики в целом. Спасибо моим учителям и в первую очередь – Владимиру Неймеру! Радость этой победы – наша с ним общая!»

Анна ПРОХОРЕНКО, студентка УзГУМЯ: «Недавно я участвовала в великолепном танцевальном турнире города Ташкента. Это на самом деле было здорово: пары в нарядных костюмах, с блеском в глазах и легкостью в движениях кружились по ослепительно яркому залу. Танцы были самые разные: и джайв, и вальс, и фокстрот, и танго... Смотреть было одно удовольствие. Конечно, как непосредственная участница всего шоу, я могу сказать, что за этим блеском – долгие месяцы, а то и годы тренировок, но в свете софитов все трудности забываются, и на душе становится так хорошо! Танец – это всегда чудо, всегда праздник!»

Ведущий рубрики Роман РОМАНОВСКИЙ.

Истиқлол фарзандлари

ЁШЛАРГА ИШОНАМАН

«Бизнинг келажагимиз, энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз бу – ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман», деганди Юртбошимиз Ислом Каримов. Бу пурҳикмат сўзлар замирида катта маъно ётибди. Ёшларга бўлган ишонч мужассам. Мен бу сўзларнинг инъикосини бугунги ёшлар қиёфасида кўришни жуда орзу қиламан.

Яқинда жияним пойтахтдаги нуфузли университетлардан бирига ҳужжат топширди ва юқори балл тўплаб, ўқишга кирди. Унинг қувончини кўриб, менинг ҳам кайфиятим кўтарилди. Негаки, унинг ҳаяжонининг чеки йўқ эди. Айрим тенгдошларининг «орқанг бўлмаса, умид қилмай қўя қол», деган гапларидан иккиланган абитуриент бугун ўзигагина эмас, билимнинг қудратига ҳам ишонди. Тўрамурод ўз келажагига пойдевор қўйишда адашмади, у баъзи тенгқурлари каби бўлажак касбини танлашда ҳам иккиланмади. Ота касбини танлаб, ўқитувчи бўлишни ният қилганди. Интилишлари бесамар кетмади, ота-онасининг ишончини қозонди. Жияним мисолида бир нарсага амин бўлдим. Кимки, ўз орзуси йўлида астойдил интилса, албатта, мақсадига эришади. Бунга унинг ўзи ҳам ишонч ҳосил қилди. Ёшларимизнинг аксарияти ўзига, ўз билимига ишонган, тиришқоқдирлар. Уларни кўриб кўксинг ифтихорга тўлади.

Дунёни билим забт этишини кўплаб илмпарвар сиймолар орқали биламиз. Шундай экан, бугун ўз кучи, билими, интилиши орқали талабалик бахтига сазовор бўлган ёшларимиз илмини оширишдан толмасинлар. Улар ўз келажаклари учун қўйган пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, жамиятимиз равнақи учун ҳам фойдалидир. Ёшларимизнинг тафаккур олами бойиса, иродалари мустаҳкам бўлса, эртанги кунимизнинг равнақи шунчалик ортаверади. Бунинг учун уларга яратилаётган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланишлари, ўзларига бўлган ишонч ҳиссини кучайтиришлари керак. Бу йўлда шижоатли йигит-қизларимизга зафар тилайман. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида ҳаяжон ва умид билан янги ҳаётга йўл олган ёшларимиз ўзлари танлаган касб-корлари, ҳунарларини пухта эгаллаб, юртимиз равнақига муносиб ҳиссаларини қўшаверсин.

Адлия лейтенанти Аъложон ҚЎЧҚОРОВ.

МЕНИ ТАНЛАШГАНИДАН ФАХРЛАНАМАН

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан теран миллий маънавият ҳамда умуминсоний қадриятлар воситасида ёшлар онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама баркамол ва ватанпарвар инсон сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бутун тарихий ўтмишимиз, аждодларимиз ўгитлари шундан далолат берадики, ўз ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини кафолатлай олган мамлакатгина гуллаб яшнайди. «Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур», деган эди Соҳибқирон Амир Темур. Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ўзимизнинг мана шундай буюк тарихимиз ва аждодларимизга муносиб ворис бўлиш мақсадида бугунги кунда ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 21-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан олиб борилаётган ишларни кўрсатиш мумкин. Меҳрибонлик уйида ташкил этилган кадет (ҳарбий) синфларида юқори синф ўқувчилари ҳарбий санъат сирларини ўрганиб, махсус ҳарбий тайёргарлик, Шарқ яккакурашлари, алоқа, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби фанлардан сабоқ олишмоқда. Ушбу гуруҳни кадетлар дастури раҳбари О.Политин бошқариб келмоқда. Республика «Сен ёлғиз эмассан» жамоат жамғармаси томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам эса болаларнинг келажакда Ўзбекистон Республикасининг муносиб фуқароси бўлиб етишишлари, мустақил ҳаёт остонасида ўз йўлларини танлашларига имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик акцияси ёшлар интилиши, она юртга бўлган туйғуларини синовдан ўтказди, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Халқ таълими вазирликлари, республика «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ), Мудофаага кўмаклашувчи (МК) «Ватанпарвар» ташкилоти, республика «Байналмилал жангчилар» ассоциацияси, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоат жамғармаси, «Адолат» социал демократик партияси, «AFGANVET R» хавфсизлик агентлиги, «VETERAN» уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари ҳамда Тошкент шаҳри ёш техниклар станцияси қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Ёш фототехник» тўгарагининг аъзолари Кичик Чимён тоғида Ўзбекистон Республикасининг байроғини ўрнатиб, улкан 15 сонини ёздилар.

– Албатта, бу иш осон кечмади, – дейди 9-синф ўқувчиси, кадетлар гуруҳининг аъзоси Андрей Сазонов. – 15 сонини ёзиш учун махсус тайёрланган қувурлар, уларни мустаҳкамлаш ва ўрнатиш учун зарур бўладиган ашёларни юқорига олиб чиқишда бизга чегарачилар ёрдам беришди. Экспедициямиз тонг саҳарда бошланиб, кун ботгунга қадар давом этди. Ана шундай шарафли ишга Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари орасидан мени ҳам танлашганидан фахрланаман.

Албатта, бир қарашда мазкур тадбир оддий туюлиши мумкин бўлса-да, унинг замирида ўсиб келаётган ёш авлодда катталар томонидан билдирилган ишончни оқлашга интилиш, туғилиб ўсган она тупроғига меҳр-муҳаббатни кучайтириш ётади.

Темур ҲОШИМОВ.

БЕЗ ЛИШНЕГО ПАФОСА

«Современная молодежь инертна! Ее ничто не интересует!» Подобные высказывания довольно часто приходится слышать из уст высоколобых интеллектуалов. Взрослые люди, крепко-накрепко позабыв о том, какими они сами были в юности, вешают на новое поколение ярлыки. Они редко пытаются узнать: а что эту молодежь волнует, чему она хочет научиться, какие проблемы стремится решить?

Однако нашлись те, кто постарался дать ответы на эти вопросы. Инициативная группа, в которую вошли молодые психологи, юристы, провела маркетинговое исследование по выявлению актуальных проблем юношей и девушек. Опросив столичных школьников и студентов, исследователи определили пути дальнейшей работы. Так в декабре 2002 года появился Центр поддержки молодежных инициатив «Atlas». О его деятельности рассказывает директор Нилюфар Хакимджанова.

– «Atlas» – это общественная организация, занимающаяся решением молодежных проблем. Результаты проведенного исследования показали, что сегодня одна из самых важных задач – предотвратить распространение ВИЧ/СПИДа и наркомании. Также к актуальным проблемам относятся низкий уровень правовой культуры и психологическая неустойчивость представителей «поколения NEXT», возникающая из-за неумения четко определить жизненные цели. В соответствии с этими потребностями в нашем центре были созданы отделы, занимающиеся в основном информационно-образовательной деятельностью. Юридический отдел работает по правовым вопросам. Медико-психологический занимается проблемами наркомании, СПИДа, а также оказывает психологическую помощь молодым людям. Есть отдел культурно-массовых мероприятий.

В центре работают молодые психологи, юристы, медики. Приходят к нам и волонтеры, которые хотят повысить уровень собственных знаний и получить опыт работы в общественной организации.

– В какой форме происходит обучение молодых людей?

– Стараемся избегать шаблонных подходов. Проводим обучающие семинары, тренинги, где не просто рассказываем о правах человека или распространении ВИЧ-инфекции, а с помощью интерактивных методов вовлекаем молодых людей в процесс обсуждения, где они могут высказать и отстоять собственное мнение. Обычно наши тренеры сами идут в школы, вузы, где и организуют семинары по той или иной тематике. Занятия ведут только молодые люди по принципу «равный – равному», что делает информацию для слушателя живой и интересной.

«Atlas» провел первое национальное исследование по выявлению употребления наркотиков и распространения ВИЧ/СПИДа в Узбекистане. Был также организован теннисный турнир «Спорт лучше наркотиков».

– Вы также проводите тренинги по молодежной адвокации. Что это такое?

– Под словом «адвокация» подразумевается умение решать конкретные проблемы, проводя тщательно подготовленные мероприятия с заинтересованными людьми и организациями, а также с лицами, принимающими решения. С помощью адвокационных кампаний можно влиять на политику, законодательство, нормативные акты и т.д. В нашем центре разработана специальная программа «Молодежная адвокация», цель которой – научить юношей и девушек не надеяться на авось, а самим добиваться изменений в той или иной сфере.

– В названии центра есть словосочетание «молодежные инициативы». Что вкладывается в это понятие?

– Умение быть активным, деятельным, выдвигать и отстаивать идеи, которые могут изменить ситуацию в лучшую сторону. Борьба с наркоманией, СПИДом, права человека, психологические проблемы – если по решению любого из этих вопросов у молодежи возникают предложения, «Atlas» их обязательно поддержит и поможет реализовать.

– Вы сотрудничаете с другими общественными организациями, государственными структурами?

– Да, конечно. Большую помощь и поддержку оказывают государственные структуры. Так, медико-социальное исследование по проблемам наркомании и ВИЧ/СПИДа центр «Atlas» проводил совместно с министерствами здравоохранения и народного образования Республики Узбекистан. Нет ничего эффективнее, чем взаимодействие негосударственных некоммерческих организаций и госструктур в достижении общих целей. В данном случае наша главная задача – работать среди молодежи и для молодежи. Мы также обмениваемся опытом и сотрудничаем с общественными организациями из соседних республик.

Беседовал Рустам АСКАРОВ.



«ЗИЁ»НИНГ МЕҲР НУРИ

Кундалик ташвишларимиз билан бўлиб атрофимизда ёрдамга муҳтож, ногирон юртдошларимиз борлигини бирда сезамиз, баъзида эса сезмаймиз. Улар ёш бола бўлса-чи? Кўпинча уйдагилари, ота-оналари ўз фарзандларининг ногиронлигидан уялиб, уларни бирор бир ўқув муассасига ҳам беришмайди. Не орзу умидлар билан дунёга келган фарзанд тўрт девор ичида, қафасга тушган қуш мисол умрини ўтказади. Икки кўзи йўлда бўлиб, дераза ортида қийқириб кўнток тепаётган, арқонча ўйнаётган тенгдошларининг шўх-шодон овозларига қулоқ тутиб, эзилиб ўтиради. Қани энди у ҳам тенгқурлари билан ўйнаса, улар каби мактабга бориб билим олса? Дўстлар орттирса?!

Сўнгги йилларда юртимизда ногирон болалар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканликларини, тенгдошларидан асло кам бўлмай, нафақат оиласига, балки халқимизга керак эканлигини ҳис қилишлари учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Фарғона вилоятида халқаро «Болаларни қутқаринг» ташкилоти кўмагида махсус эҳтиёжга эга бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш «Зиё» марказининг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо ўтган 4 йил ичида марказ 100 дан ортиқ ногирон болаларни оддий мактабларда таълим олишларига кўмак бериб келмоқда.

– 2003 йили марказ «ПИКС» лойиҳасига қўшилди, – дейди марказ директори М. Асрорқулова. – Бу лойиҳа ҳам таълим сифатини, ҳам давоматни оширишга, кенг жамоатчиликни мактабдаги мавжуд муаммоларга жалб этишга қаратилган.

«ПИКС» лойиҳасига кўра аввало ишни имконияти чекланган болаларга нисбатан жамиятнинг, одамларнинг муносабатини ўзгартиришдан бошлаш лозим. Бунинг учун эса аввало синфдаги болалар, ўқитувчилар, ота-онасининг фикрини ўзгартириш даркор. Сйнфдошлари ногирон болани худди оддий тенгдошларидек қарши олишлари керак. Бу қийин масала. Ҳўш, «Зиё» марказининг жамоаси бу борада қандай йўл тутди?

– Биз аввало шу соҳада ишламаган мактабларда ота-оналар, ўқитувчилар, болаларнинг фикрларини ўргандик. Ногирон болалар қаерда ўқиши керак? – деган саволимизга уларнинг деярли барчаси ўқимаса ҳам бўлаверади ёки махсус мактабларда таълим олишлари керак, деган фикрларини билдиришди. Аммо улар билан суҳбатлашиб, тушунтириш ишларини олиб боргач, 90 фоизи шу болалар оддий мактабда ўқиши мумкин, дейишди.

Айни пайтда «ПИКС» лойиҳаси доирасида ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг молиявий кўмагида имконияти чекланган болаларни оддий мактабларда ўқитиш учун Андижон, Фарғона вилоятларидан тўртта мактаб танлаб олинди. Имконияти чекланган болаларнинг оддий мактабларда ўқитилаётгани ўз ижобий натижасини кўрсатди.

– Бизнинг асосий мақсадимиз имконияти чекланган фарзандларимизда ҳаётий, жамиятда ўз ўрнини топиш учун зарур кўникмаларни ҳосил этиш, – дея сўзини давом эттирди М. Асрорқулова. – Аммо мақсадга эришишдаги муаммолар ҳали анчагина. Энг катта қийинчиликлардан бири синфда болаларнинг кўплиги-ю, ўқитувчиларнинг моддий рағбатлантирилиши яхши эмаслиги. Бундан ташқари, ногирон болаларга таълим беришда услубий қўлланмалар ниҳоятда кам, дарсликлар тез-тез ўзгариб туради. Китоб сотиб олишга эса етарли маблағ йўқ. Яна бир муаммо – тиббий кўрикнинг Низоми бугунги кунда инклюзив таълим талабларига тўлиқ жавоб бермаётганида. Чунки мактабларда рўйхатга олинган умуман юра олмайдиган ногирон ўқувчиларимиз бор. Уларга ўқитувчиларимиз уйларига бориб дарс ўтишади. Ўқитувчиларга мазкур меҳнат фаолиятлари учун маош эса халқ таълимининг иқтисод қилинган пулларидан тўланади. Албатта, кўзланган мақсадга эришишда анчагина тер тўкиш керак бўлади. Бугунги кунда 38 та мактабда ишонч клублари ташкил этилиб, унинг аъзолари нафақат ногирон болалар, балки уларнинг дўстлари, ота-оналари ҳамдир. Клуб аъзолари ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллалардаги ногирон, имконияти чекланган болаларга беминнат ёрдам беришади. Компьютер курслари эса кўпгина ногирон болаларда ўзига ишончни уйғотиб, келажакка дадил кўз билан қарашга ўргатмоқда.

Наргис ҚОСИМОВА.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Сиз суратини кўраётган ушбу соҳибжамол қиз юртимизнинг билимдон, илмсевар ва фаол ёшлари сирасидан. Айниқса адабиёт, санъатга меҳри баланд ватандошимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлишга улгурган. Албатта, бу унинг билим даражаси, иқтидори ва ўз устида ишлашдаги тинимсиз меҳнатидан далолат беради.

Айни пайтда Қарши шаҳридаги олий ўқув юртида таҳсил олаётган Хуршида Холиқова олтин даврга қиёсланувчи талабалик даври гаштини сурмоқда.

Гўзал ва мафтункор қизнинг орзулари бисёр. Бутун диққат-эътиборини ҳаётда ўз олдига қўйган мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратган Хуршидага муваффақиятлар, омадлар тилаб қоламиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

МУЗЕЙ В МАХАЛЛЕ

По инициативе умудренного опытом учителя Турдимата-ата Махкамова, который долгие годы жил в махалле «Бекобод» Учкуприкского района Ферганской области и преподавал историю, здесь был организован Музей махалли. Турдимат-ата долго готовился, прежде чем приступить к этой работе. Он собирал сведения по истории махалли, образе жизни людей, культуре, обычаях и традициях. Инициатива была поддержана махаллинским сходом граждан, и для музея выделили помещение. Ученики Турдимата-ата помогли в сборе экспонатов для музея.

В первом его разделе представлены различные предметы старины, изделия, рассказывающие об истории кишлака. Во втором разделе представлены фотографии, письма и документы сыновей кишлака, которые воевали на фронтах Второй мировой войны, жертв репрессий. Экспонаты третьего раздела рассказывают о процессах обновления, осуществляемых в махалле за годы независимости, о созидательной работе и жизни махаллинцев.

– Только люди, которые хорошо знают историю и сегодняшний день махалли, смогут внести достойный вклад в ее завтрашний день, – говорит мудрый учитель.

Сергей БОРИСОВ.

КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Зулфия Юнусованинг қуйидаги шеъри қўшиқ бўлиб, дилларга жо бўлишига ишончимиз комил.

ТИНГЛА АЗИЗ ФАРЗАНДИМ

Шу заминда унган азиз чечаксан,
Мурғаксану лек ҳаммадан юксаксан,
Ватан янглиғ тахтга шон-келажаксан,
Қадамингни мардона бос фарзандим.

Томирингда орият оқсин, шахт оқсин,
Дунё аҳли ҳавас-ла сенга боқсин,
Ақлу зеҳнинг дилларга чақин ёқсин,
Қанотларинг лочиндек ёз фарзандим.

Истасанг гар, пойингга чўкар тоғлар,
Ғайратингдан саҳрода яшнар боғлар,
Шижоатинг душман кўксини доғлар,
Аждодларга бўлолгин мос фарзандим.

Мард ўғлоним элнинг айтар сўзи бўл,
Доно қизим юртнинг кўрар кўзи бўл,
Ўзбек элин дунё тинглар кези бўл,
Ҳур Ватанни айла эъзоз фарзандим.

Халқ умиди бугун сенга боғланган,
Ҳар қадаминг буни англасин теран,
Куни келиб жаҳон сенга берсин тан,
Шу мақсадга қўйгин ихлос фарзандим.

ЎЗБЕКИСТОН – МЕНИНГ ЮРТИМ

ҚЎРИҚХОНА ВА МИЛЛИЙ БОҒЛАР

Одамзот табиатнинг бир бўлаги, атроф-муҳит, ҳаво, биологик хилма-хиллик, ер ва сув ресурслари эса унинг ҳаётий таъминловчи ва сақлаб турувчи тизимлардир. Ҳозирги даврга келиб инсоннинг атроф-муҳитга салбий таъсири натижасида табиий ландшафтларнинг ўзгариши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг кўплаб турлари камайиши, йўқ бўлиб кетиши, иқлимнинг сезиларли равишда кескин ўзгаришига каби экологик муаммолар юзага келди. Ана шундай муаммоларни ҳал қилишда, олдини олишда қўриқхоналар, миллий боғларнинг ташкил этилиши ва ривожлантирилиши катта аҳамият касб этади.

Республикамизда биологик хилма-хилликни асрашда муҳофаза этиладиган ана шундай табиий ҳудудлар тармоғи ривожига сўнгги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизимига умумий майдони 2164 квадрат километр бўлган 9 та давлат қўриқхонаси, умумий майдони 6061 кв.километр бўлган иккита миллий боғ, майдони 12186,5 кв. километр бўлган 9 та давлат буюртмахонаси ва битта ноёб ҳайвонлар турларини кўпайтириш бўйича «Жайрон» (экомарказ) деб номланувчи республика маркази киради. Кейинги йилларда Сирдарё вилоятида «Сайхун» питомниги ҳам ташкил этилди. Республикамизда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 кв. километрни ёки республика умумий майдонининг 5,2 фоизини ташкил қилади. Қуйида биз ана шу қўриқхона ва миллий боғларнинг баъзилари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси ана шундай табиий ҳудудлардан биридир. Қўриқхонанинг умумий майдони 15,5 минг гектар бўлиб, унинг 11,2 минг гектари арча ўрмонзорларидир. У дастлаб 1926 йилда Ғўралас тоғ-арча қўриқхонаси номи билан ташкил этилган.

Қўриқхона ҳудудида Зарафшон арчаси, қора арча, совур арча, ўрик арчалар ўсади. Бу ерда 180, ҳатто 400 ёшга кирган арчалар бор. Арчадан ташқари Тяньшан четани, Туркистон қайини, буталардан – зирк, наъматак, учқат, ирғай, тобулғи ҳам ўсади. Қўриқхонанинг ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. Бу ерда республика Қизил китобига киритилган Туркистон силовсини, оқ тирноқли айиқ, архар, барс, шунингдек, бўри, бўрсиқ, тулки, жайра, тўнғиз ва бошқа ҳайвон ҳамда қушлар яшайди. Қўриқхона ҳудудида ўсимликларнинг 720, турли қушларнинг 130, сутэмизувчиларнинг 37, судралиб юрувчиларнинг 8, балиқнинг 1 тури тавсифланган.

Зомин халқ (миллий) боғи мазкур ҳудуд тоғ-ўрмон минтақасида қишки спорт турлари маркази, соғломлаштириш спорт мажмуаси тарзида 1976 йилда ташкил этилган. 1978 йилда «Ўзбекистон халқ боғи» номи берилган, 1993 йилдан эса ҳозирги ном билан аталиб келинмоқда. Миллий боғнинг умумий майдони 24,1 минг гектар.

Мазкур боғ асосан Туркистон тоғи, қисман Молгузар тоғининг 1000-4030 метргача бўлган баландликларида жойлашган. Бу ердаги кенглиги 500 метр ва чуқурлиги 450 метрга тенг бўлган Чўртанга жарлигидаги шаршара, Супа текислиги туристик жиҳатдан катта эътиборга эга. Ушбу боғ ҳудудида асосан Сангзор ва Зоминсув дарёси ҳавзалари жойлашган. Боғнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам ранг-баранг. Унинг ҳудудида доривор ўсимликларнинг 30 дан ортиқ тури борлиги, лолаларнинг кўплиги, мевали буталарнинг кенг тарқалганлиги эътиборга сазовордир. Умумий ўсимликлар турлари сони 100 дан ортиқ, бундан ташқари, дарахтларнинг 8, буталарнинг 15 ва ўт-ўланларнинг 220 дан кўпроқ турлари учрайди.

Боғнинг ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. Бу ерларда тулки, қўён, чўл бўриси, бўрсиқ, Туркистон кузани, оқ тирноқли айиқ, ёввойи тўнғиз, тоғ айиғи, Ўрта Осиё тоғ эчкиси, Северцев қўйи, оқ сувсар, силовсин, уй ва ўрмон сичқонлари, арчазор сичқони, олмахон, қушлардан – чуғурчуқ, бургут, майна, саъва, кўк қарға, зағизғон, сариқ чумчуқ, булбул, қирғий, укки, лойхўрак ва кабутарлар учрайди. Зоминсув ва Сангзор ирмоқлари бўлган сойларда маринка ва шоҳ балиқлар жуда кўп, илонлардан эса сариқ илон, сув илони, чипор илон, қалқонтумшуқ илон, Туркистон агамаси ва сув бақалари бор.

Угом–Чатқол давлат табиат миллий боғи – Тошкент вилоятидаги Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларининг тоғли ҳудудларида жойлашган миллий боғ. Мазкур қўриқхона 1990 йилда ташкил этилган. Унинг умумий майдони 574,6 минг гектар бўлиб, асосан ўрмонлар, арчазорлар, шумтолзорлар, зарангзорлар, бодомзорлар, оқ қайинзорлар, ёнғоқзорлар, ёввойи олмазорлар ва дўланазорлардан иборат. Умуман олганда, миллий боғда 70 дан ортиқ дарахт ва 80 га яқин бута турлари ўсади. Ўсимликлар тури эса 100 дан ортиқ.

М.САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

ЙИГИТЛИК БУРЧИ

қисса

III боб. ҚАЙНОҚ ФАОЛИЯТ

(Оҳири. Боши ўтган сонларда).

Бахтиёр онаси билан бўлган суҳбатдан кейин кайфияти бузилди. Назарида, уни ҳеч ким тушунмаётгандек туюлди. «Тавба, – деб ўйлади у эзилиб. – Қиз менга ёқса бўлди-да! Унинг ота-онаси, амма-холасининг нима аҳамияти бор? Йўқ, мен Малика билан албатта учрашишим керак. Темирни қизиғида босмаса бўлмайдиган кўринади...»

Эртасигаёқ қизни топди. Унга эргашиб яна кутубхонага борди. У билан гаплашди. «Бир кўрганда севиб қолиш мумкинлигига ишонасизми?» деб сўради. Қиз бечора уялиб кетди: «Негадир, бу ҳақда ўйламаган эканман», деди зўрға. Бахтиёр уни қаерда туришини билишини айтди. Қиз ҳайрон бўлди. «Якшанба куни уйда ким бўлади?» деб сўраб, қовун тушириб қўйишига сал қолди. Қиз «нега?» деганди, «ҳарбий сир» деб ҳазилга олди.

Қисқаси, онаси холаси билан Маликанинг уйига совчиликка борадиган бўлишганидан кейингина унинг безовта кўнгли тинчигандай бўлди.

●

Алишер ниҳоят бундан буён Нигорасиз яшай олмаслигини юракюракдан ҳис қилди. Таътилдан қайтгандан бери Нигоранинг суратига соатлаб тикилиб ўтирадиган бўлиб қолди. «Албатта, унга уйланаман», деган қарорга келди охири...

●

Мастура опа эшикдан кириб келган икки аёлни кўрдию, сезди. Совчилар! Ичкарига бошлади. Ўтиришди. Уёқ-буёқдан гаплашишди. Ниҳоят, атлас кўйлакда чой олиб кирган Маликани кўриб, Бахтиёрнинг онаси анграйиб қолди.

«Ҳа-а, ўғлимнинг диди чаккимас»,– хаёлидан ўтди унинг. Узоқ суҳбатдан кейин улар Маликага харидор бўлиб келишганини айтиб, Бахтиёр билан Маликани қачон учрашишини келишиб қайтишди.

Учрашув куни Бахтиёр кўнглидагини Маликага айтди-қўйди. Малика бўлса, ота-онаси ҳал қилишларини айтди.

– Мен сизга жиндек бўлсаям ёқаманми? – сўради Бахтиёр шошилиб.

Қиз индамай «ҳа» дегандек ишора қилди.

– Тамом! Шунинг ўзи етарли! – дея қичқириб юборди Бахтиёр қувониб.

●

Ҳарбий қисмга автобус кеч келди. Навбатчи Тошкентдан делегация келганини маълум қилди. Меҳмонларни меҳмонхонага жойлаштиришди. Буфетда енгилгина нонушта қилиб олишди.

Эрталаб эса бутун қисмда нақ байрам бўлиб кетди. Катта концерт бўлди, маҳалла оқсоқоллари совға-саломлар билан топширишди. Яхши хизмат қилган аскарлар алоҳида тақдирланди. Ҳарбийлар ўз навбатида келган меҳмонларга ташаккур билдириб, бундан кейин ҳам йигитлик бурчини виждонан адо этишларини билдирдилар.

●

Икки кундан сўнг Маликанинг ота-онаси қизларини Бахтиёрга беришга рози бўлишди. Тўй кўкламда, дарахтлар гуллаганда бўладиган бўлди.

●

Ниҳоят, ҳарбий хизмат билан хайрлашадиган кунлар яқинлаша бошлади. Энди Баҳром билан Алишернинг ҳам тез-тез учрашиш имконияти пайдо бўлди.

– Биласанми, Баҳром, – деди ўша кунларнинг бирида Алишер, – мен Нигорага уйланмоқчиман. Энди ҳаётимни усиз тасаввур қилолмаяпман.

– Мен эса ҳали ўзимнинг дидимдаги қизни тополганимча йўқ, – деди Баҳром.

– Ҳаммаси яхши бўлади, оғайни, – деди Алишер.– Ҳозирча эса ҳарбий хизматни қандай яхши бошлаган бўлсак, шунчалик яхши тугатишимиз керак!

●

Бир куни Алишер бўш пайтида чекиш жойида ўтирганларида йигитларга шаҳарда учратган нотаниш кишининг ҳикоясини айтиб берди. У ҳаммага қаттиқ таъсир қилди.

«Жуда сабоқ бўладиган воқеа экан, – деди бир аскар йигит.– Уни ҳамма эшитиши, билиб қўйиши керак».

●

Кунлар бир-бирини қувиб ўтмоқда эди. Алишер уйидан хат олди. Унда Маликани унаштирганлари ҳақида ёзишганди. Алишер бу хабарни Баҳромга ҳам айтди. У ҳам хурсанд бўлди.

Шундан кейин алоқа бўлимига бориб, Тошкент билан боғланишди. Алишер телефон орқали синглисини табриклади.

Шу куни ғалати ҳодиса рўй берди. Баҳром негадир алоқачи қиз билан узоқ гаплашиб қолди. Ҳатто, уни ишдан кейин қаҳвахонага ҳам таклиф қилди. Кейин Алишерга бугун кечқурун банд эканлигини айтди. Ўша алоқачи қиз билан учрашуви борлигини тушунтирди. Унинг исми Диля экан...

●

Қишнинг қандай ўтгани ҳам сезилмай қолди. Ўқиш, машғулотлар, жанговар тайёргарлик... Энди уйга қайтадиган кунлар яқинлашди. Аммо қисм командири уларга кутилмаган таклиф қилди. «Агар истасанглар, сержантлар тайёрлайдиган мактабга йўлланма берамиз, ўқийсизлар», деди.

Иккала ўртоқ ўйланиб қолишди. Сира бир қарорга келишолмади.

– Майли, уйга қайтайлик-чи, уёғи бир гап бўлар, – деди Баҳром ниҳоят.

●

Уйга қайтадиган кун ҳам келди. Уларни кузатиш катта тантанага айланиб кетди. Қисм командири уларнинг аъло хизматлари учун миннатдорчилик билдирди. Улар автобусга чиқиб, вокзал тарафга йўл олдилар.

ХОТИМА

Уйга қайтгач, Алишер Нигорага уйланди. Малика Бахтиёрга турмушга чиқди. Лейтенант Маҳмудов эса Жамила билан турмуш қурди. Баҳром университетга ўқишга кириб кетди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Алишер Нигорага кутилмаган бир таклифни айтди.

«Нигора, – деди у, – мен сен билан жуда бахтлиман. Аммо сира армиядан кўнглимни узолмаяпман. Хўп десанг, сержантлар тайёрлаш мактабига кирсам... Ўзимизни сержантни сира унута олмаяпман. Ўшанга ўхшагим келаяпти. Ватан ҳимоячиси деган касбни эгалламоқчиман».

Эртасига масала ҳал бўлди. Алишер қўлига ручка-қоғоз олиб, ариза ёзди. Унда қуйидаги сўзлар битилганди:

«Мен ўз ҳаётимни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига бағишлаш ниятидаман. Шу муносабат билан, менинг ҳужжатларимни сержантлар тайёрлаш мактабига қабул қилишингизни сўрайман...»

Полковник Баҳодир ҒОФУРОВ.

Кўнгилга ташриф

Шундай санъаткорлар борки, кўплаб роллар ижро этишса-да, кам-дан-кам ҳолларда мухлислар кўнглидан жой топа олишади. Яна шундай санъаткорлар борки, биргина яратган образи билан узоқ йиллар томошабинининг кўз ўнгидан, кўнглидан кетмай туради, қадрдон бўлиб қолади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зуҳра Ашурова иккинчи гуруҳга мансуб санъаткорлар сирасига киради.

Зуҳра АШУРОВА:
ДРАМАТУРГ БЎЛГАНИМДА...

– Бобур видеофильмидаги Хонзодабегим роли орқали минглаб санъат ихлосмандларининг қалбидан жой олгансиз. Бу видеофильмдаги Хонзодабегим ролини охиригача ижро этмаганингиз кўнглингизга оғир botmaganми?

– Ўшанда видеофильм режиссёри Бобур ролини ўйнайдиган актёр уч марта ўзгарди, лекин Хонзодабегимни ўйнаётган актриса ўзгармади, тағин танқидга учрамайлик, деди. Мен ҳам андиша қилиб индай олмадим. Фильмда Хонзодабегимнинг фарзанди ўлган саҳнасини ижро этишга бутун ҳис-туйғуларимни, ички кучимни йиғиб келган эдим. Чунки шунга қадар менинг ролимда руҳий-психологик саҳна йўқ эди. Ҳеч бўлмаса шу саҳнагача ўйнагим келганди. Шу боис режиссёр ёрдамчиларига фикримни билдирдим. Севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодиров ҳам Зуҳранинг ўзи охиригача ўйнасин, дедилар. Шундан сўнг мени кексароқ кўрсатиш учун грим қилиб кўришди, лекин овозимдан ёшлигим билиниб қолаверди...

– Кўпгина мухлисларингиз ушбу ролни ўзгача назокат билан ижро этганингиз учун ардоқлашади. Лекин ҳаётда бир мунча шартакироқ кўринасиз...

– Биласизми, ҳаммамиз ҳам яхшига яхши, ёмонга ёмонмиз. Шунақа одамлар борки, асабингизни бузади, қўполроқ гапиришга мажбур қилади. Ҳалиям мен ўзимни кўпинча асаббузарларни кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка соламан. Хонзодабегим роли ҳақида тўхталадиган бўлсам, сиз айтгандек, «ўзгача назокат»нинг сабабини мен тарбия топган оиладан излаш лозим. Муомалада тавозе ва мулойимлик менга ота-онамдан ўтган. Ўйлаб қарасам, ота-онамнинг бизнинг олдимизда урушганини эслай олмайман. Онамнинг жаҳллари чиққан пайтда отам «хўп дедим-у хўп», дердилар. Ёки отамнинг жаҳлари чиқиб турган бўлса, онам «тўғри айтасиз чол, шунақа-де қуриб кетсин», дердилар. Бироз ҳовурларидан тушгандан сўнг атрофлича гаплашиб олардилар. Ака-опаларимнинг ҳам мени меҳрибонлик билан ўйнатганлари, касал бўлсам тепамда ухламасдан қараб чиққанлари, ҳамон эсимда. Мана шу образни талқин қилишда оиламда олган тарбиям, акасингилларим билан муносабатларим жуда қўл келган. Бир сўз билан айтганда, ўзимдан келиб чиққанман.

– Театр ва кино санъатининг машҳур намояндаси Армен Жигарханян актёрлик санъати ҳақида гапириб, «токи ҳайратланишдан тўхтамагунингча бу жумбоқли касбни давом эттиришинг мумкин» деган эди. Лекин актёр ҳам инсон. Унга ҳам ҳаёт ташвишлари бегона эмас. Шулардан келиб чиқиб айтинг-чи, Сиз ижро этган ролларингизнинг барчасида санъаткорга хос бўлган юксак ҳайратни сақлай олганмисиз?

– Тўғри, ҳайратсиз актёр роботга ўхшаб қолади. Мен жуда кўп улуғ санъаткорлардек бўлишга интилдим, ҳатто театрга кеча келган артистдан ҳам нимадир ўргандим. Албатта, ҳамма ролларим муваффаққиятли чиққан, дея олмайман. Бошқалар кўнглим учун яхши ўйнабсиз дейишса ҳам ич-ичимдан яхши чиқмаганлигини сезиб тураман. Буни томошабинларнинг муносабати ҳам кўрсатиб туради. Лекин мен мана шу театрнинг ишчисиман. Топширилган ролни ўйнамайман дейишга ҳаққим йўқ.

– Ёзувчи-шоирларда, журналистларда ижодий ишига яқиндан фикр-мулоҳаза айтадиган ҳамкасблари бўлади. Сизда-чи?

– Дўстим бор, лекин у ҳам камчилигимни юзимга шартта айтишга андиша қилиб туради. Менимча, актёрларнинг саҳнадаги холис дўсти режиссёр бўлади. Чунки режиссёр кўнглингиз оғришини ёки хафа бўлишингизни ҳисобга олмасдан шартта-шартта айтади ва тўғри йўлга солади.

– Дейликки, Сиз драматург бўлганингизда нималар ҳақида ёзган бўлардингиз?

– Ёзиш ниятим йўғу, агар драматург бўлганимда тарихий асарлар ёзардим. Дейлик, улуғ аждодларимиз ҳам шу даражага етгунча қанча тўсиқларни енгиб ўтишган. Саҳнада мана шуларни кўрсатадиган асарларда маза қилиб ўйнагим келади. Тўғри, тарихий асарлар баъзиларга ёқмайди. Ўзи ҳаётда қийналиб кетдик, энди театрда ҳам йиғи-сиғими дейишади. Гап йиғи-сиғидамас, шунақа асарлар орқали ўзлигимизни англашда. Ҳозирги томошабин кўпроқ комедияни яхши кўради.

– Дубляж соҳасида ҳам фаолият юритишингизни биламиз. «Камилла» телесериалида бир пайтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий ролга овоз бериш қийинчилик туғдирмаганми?

– Биласизми, мен доим ижобий ролларни талқин қилиб юрганим учун чекланиб қолмаяпманми, деган хавотирда юрардим. Чунки актёрнинг изланишлари чегара билмаслиги лозим. Шу боис ҳеч бўлмаса салбий образга овоз бериб кўрай деб шу сериалдаги Моникага овоз бердим. Томошабинларнинг муносабатидан билдимки, талқиним ёмон чиқмабди.

– Санъаткор сифатида қандай армонларингиз бор?

– Биласизми, ҳозир армон қилишга вақтим йўқ, тўғрироғи бунга ҳаққим йўқ. 23 йил ижод қилиш дегани, ҳали ҳеч қанча вақт эмас. Саксон ёшдан сўнг, «эҳ мана шуни ўйнамадим-а» деб армон қилса, ярашади. Ҳозир умид билан, орзу билан кучли-кучли образларни талқин қиладиган ёшдаман. Тажрибам етарли, чунки ёш эмасман. Ўзимни образ яратишга ҳар томонлама қодирман, дея оламан. Мен мана шу театрдаги энг омадли актрисаман. Шу пайтгача нимани орзу қилган бўлсам, эришиб келаяпман. Чунки мен халқ артисти Сора Эшонтўраеванинг дуоларини олганман.

Лазизжон БАХРАНОВ суҳбатлашди.

Театральный сезон

«НЕ ЗАБУДЕТ МЕНЯ МОЙ САД...»

Когда-то много лет назад газеты провозгласили: «На Востоке появился Пушкин». Так мир узнал о новом молодом даровании – узбекском поэте Усмане Насыре.

Сила его таланта была такова, что перед ней склонили головы все великие современники: Абдулла Кадыри, Чулпан, Эльбек, Гулям Зафари. И из недосягаемых кумиров они превратились в наставников и... друзей Насыра. К сожалению, связала их в ту пору не только дружба, но и общая беда: все они были репрессированы. Расстрелу на родине подверглись тогда почти все видные литераторы. Но иная участь постигла Усмана Насыра. Его дни закончились в лагере на Крайнем Севере, неподалеку от Магадана. Но память осталась, и справедливость восторжествовала – годы спустя. Нелегкой жизни великого поэта и гражданина посвящен спектакль его имени, идущий на сцене Узбекского национального академического драмтеатра.

Композиция спектакля довольно необычна: он начинается с логического финала – Усман Насыр в заключении. С первых же реплик героев становится ясно, каковы масштабы личности поэта.

Далее зритель перемещается в прошлое – благополучное с виду, но страшное изнутри. Здесь нет попытки создать полную биографию Усмана Насыра; вместо этого показаны именно те сцены, в которых отразился характер героя и времени. Выступивший за уважительное отношение к культуре и традициям узбекского народа, Усман Насыр был обвинен в национализме. Веря в свою правоту, он не покаялся, не повинился, а открыто выступил против функционеров от литературы. И за ним пришли – вначале с обыском, затем с арестом. Было это 13 июля 1937 года...

«Зверь человека рвет, цирк от восторга ревет», – говорит Насыр, давая точную характеристику тех печальных лет. Свой 25-й день рождения он отметил в застенках.

Спектакль пропитан пиететом к личности Усмана Насыра. Фигура Поэта возвышается над всем. В окружении таких замечательных актеров, как Фатхулла Масудов, Рихсивой Авазов, Шоиста Исмаилова, Ходжиакбар Камилов и Тахир Саидов, иначе и быть не может. Вместе они убедительно воссоздали ту эпоху и поэта, пророчески написавшего строчку: «Не забудет меня мой сад...»

Рамиль ИСЛАМОВ.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Дзюдо. Чемпионат мира среди военнослужащих

«СЕРЕБРО» ЗА ВОЛЮ К ПОБЕДЕ

На завершившемся недавно в Хорватии чемпионате мира среди военнослужащих под эгидой Всемирного военного спортивного Совета (CISM), борцы Узбекистана показали поистине армейский характер. В командном зачете наша дружина завоевала серебряные медали, а в личном первенстве атлеты МХСК привезли четыре бронзовые награды.

Тридцать пять сильнейших бойцовских коллективов планеты спорили за первенство на татами в Хорватии. Командные поединки «стенка на стенку» являются самыми зрелищными и ответственными, ведь от исхода каждой схватки зависит, пройдет ли команда дальше или будет остановлена более сильным соперником. Так вот, до самого финала борцы из Узбекистана прошли неудержимо, на едином порыве.

Первую сенсацию наши дзюдоисты сотворили тогда, когда с «сухим» счетом 5:0 была повержена сборная Франции. Именно поэтому, когда та же участь постигла сборную Катара, никто особенно уже не удивился. Наших спортсменов признали в качестве явных фаворитов, на их поединки стало ходить больше местных зрителей. И все же на встрече со сборной Словакии у соперника было больше болельщиков, но и «словацкая стена» была успешно преодолена со счетом 4:1.

Драматичным и полным накала спортивных страстей получился полуфинал против сборной Беларуси. Наш борец в весе до 66 кг Сергей Лим свел поединок вничью, но ведь и общий счет побед и поражений был ничейным 2:2. Он боролся с серьезной травмой, сломанным ребром. Так как замена не разрешалась, Лиму была наложена тугая повязка, и он сам вышел на ковер повторно. Весь зал стоя аплодировал нашему земляку, когда буквально на последней минуте схватки он выполнил победный бросок!

– Своего рода спортивный подвиг совершил и младший сержант Уткир Курбанов, который в полуфинале одержал победу над олимпийским чемпионом Игорем Макаровым из Беларуси, – говорит руководитель нашей спортивной делегации подполковник Константин Юркевский. – И вообще, каждый член команды постарался внести максимальный вклад в общий успех. Я считаю, что одним из важнейших слагаемых побед стал именно сильный командный дух, сила патриотизма, когда любовь к Родине многократно умножила сильные стороны борцов.

–Вряд ли можно корить наших атлетов за проигрыш в финале сильной команде России, – говорит старший тренер МХСК по дзюдо, заслуженный тренер Узбекистана Борис Григорьев. – Ну а в личном первенстве бронзовые медали завоевали Шамсиддин Саидов (73 кг), рядовой по контракту Рамзиддин Саидов (90 кг), младшие сержанты Михаил Соколов и Уткир Курбанов (оба до 100 кг). Достойный вклад в командное «серебро» внесли также рядовой срочной службы Сухроб Дустов (81 кг) и подменявший его в этом же весе Шухрат Бобоев.

Светится от счастья лицо мамы братьев Рамзиддина и Шамсиддина Саидовых. Назира-опа и Бешим-ака Саидовы проживают в Алатском районе Бухарской области, где борьба всегда в почете среди молодежи. Четверых сынов вырастили они, все они увлеклись спортом, ведь папа тоже был спортсменом в юности: боролся, боксировал на ринге. Страсть к спортивным единоборствам передалась по наследству.

– Я искренне горжусь тем, что мои дети достойно защищали спортивную честь нашей Родины, от всей души желаю того, чтобы в наших узбекских семьях больше вырастало таких палванов, которые прославили бы Узбекистан на мировом уровне. Я от всего сердца поздравляю и матерей Сергея Лима, Михаила Соколова, ведь они тоже проявили себя истинными сынами Узбекистана, подлинными патриотами своей Родины.

Дзюдоисты МХСК подали великолепный пример для боксерской команды, которой предстоит скоро такой же чемпионат мира среди военнослужащих в Германии. «Серебряный почин» должен быть подхвачен. Потенциал вполне позволяет поднимать планку требований так высоко, ведь армейские боксеры Узбекистана уже были вторыми на таких соревнованиях, а старший лейтенант Дильшод Махмудов становился не только чемпионом, но и лучшим боксером.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото Тимура КАРИМОВА.

Велоспорт. Чемпионат Узбекистана

ГОРЫ ЗАКАЛЯЮТ ХАРАКТЕР



Шесть дней на дорогах столичной области продолжался чемпионат Узбекистана по велогонкам на шоссе. В этих увлекательных состязаниях, где приняли участие 78 велогонщиков, достойно выступили спортсмены МХСК, проявив поистине армейский характер и волю к победе.

С первых дней состязаний они активно включились в спор за награды. В кольцевой гонке на 70 км Николай Казакбаев лишь немного уступил победителю Владимиру Туйчиеву из команды зимних видов спорта (ЗВС), а третье место занял еще один гонщик МХСК Юрий Иволжатов.

На другой день в парной гонке на 25 км дуэт Николая Казакбаева с Азизом Абдурахимовым опять довольствовался «серебром», не угнавшись за парой из ЗВС в составе Владимира Туйчиева и Руслана Михайлова. Бронзовые награды вновь достались армейцам Юрию Иволжатову и Филиппу Яковенко. И все же эти старты были лишь «разминкой» перед многодневной гонкой из четырех этапов.

На первом этапе в гонке на 102 км победу праздновал динамовец Руслан Каримов, вторым финишировал Владимир Туйчиев, а Казакбаев был третьим. Однако столь обескураживающее начало не сбило настрой команды, возглавляемой опытным гонщиком майором Русланом Усейновым.

– На трассе именно капитан координирует действия всей команды, ведь в групповой гонке очень важно правильно распределять усилия, – говорит старший тренер МХСК по велоспорту, заслуженный тренер Узбекистана Худжат Тухватулин. – Поэтому вклад Усейнова в победу просто неоценим.

И вот уже второй этап групповой гонки на 95 км выигрывает Ю.Иволжатов, буквально на 5 секунд опередив на финише Вадима Шаехова из ЗВС, а третьим стал динамовец Юсуф Абреков. На третьем этапе, протяженностью в 102 км, лидер вновь сменился: им стал Руслан Михайлов, лишь 3 секунды отстал от него Азиз Абдурахимов, и третьим финишировал Юрий Иволжатов.

Все решилось на четвертом, горном этапе в 110 км. Умчавшись в отрыв от основной группы преследователей, Абдурахимов, Иволжатов и Шаехов так и финишировали. А по итогам всех четырех этапов чемпионом Узбекистана в многодневной велогонке стал Азиз Абдурахимов, «серебро» у его одноклубника Юрия Иволжатова, а третье место у Вадима Шаехова.

Таким образом, перед Азиатскими играми в Катаре, велогонщики МХСК сделали весомую заявку на достойное участие в этом главном турнире четырехлетия.

Майор Рустем КУАТОВ.
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.

Кураш

НАШИ – ЛУЧШИЕ В АЗИИ

В Кабуле (Афганистан) на завершившемся чемпионате Азии под руководством тренеров Омана Таймурадова и Олимжона Хаитова сборная команда Узбекистана заняла первое общекомандное место. Тем самым узбекистанцы доказали, что наши палваны лучшие на Азиатском континенте.

В личном зачете в своих весовых категориях золотые медали завоевали Давлат Чориев, Бобомурод Рустамов, Сухроб Худойбердыев. Бронзовая награда досталась Рустаму Зулфихарову.

Следует отметить, что наш соотечественник Давлат Чориев в финале за абсолютное первенство победил известного в мире иранского палвана Саида Насири.

Наш корр.

Самбо

БОГАТЫЙ «УРОЖАЙ» УЗБЕКИСТАНЦЕВ

Поистине богатый «урожай» медалей «собрали» узбекистанские атлеты на проходившем в Бишкеке (Кыргызстан) чемпионате и первенстве Азии. Наши соотечественники удостоились 15 золотых, 11 серебряных и 26 бронзовых наград.

На высшую ступень пьедестала почета поднялись такие спортсмены, как Акобир Курбонов, Озод Пардаев, Равшан Туракулов, Екатерина Близнецова, Дильноза Камбарова, Мохира Юнусова и другие. А в разделе боевого самбо «золото» добыли Кодыр Султанов и Самат Рустамов.

Соб. инф.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. САФАРОВ, А. КАМАЛОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-2813. **Адади** 24300.